

Саодатли Ҳалимаи Саъдия



07:00 / 06.12.2018 5262

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни оналари Омина онамиз етти кун эмиздилар. Омина онамизнинг сутлари етмаганликлари сабабли бир неча кун у зотнинг амакилари Абу Лаҳабнинг озод қилган жорияси Сувайба эмизиб турди. Кейинчалик бу бахтга Ҳалимаи Саъдия онамиз эришдилар.

Ҳалимаи Саъдия онамиз Бану Саъд қабиласидан бўлганлар. Ҳақдаги араблар одати бўйича болаларни саҳролик аёллар эмизар эдилар. Чунки саҳронинг хавоси тоза, одамларининг одоб-ахлоқи яхши деб ҳисоблашар эди. Саҳролик аёллар қучоғида ўсган болалар соғ-саломат, ўткир зеҳнли бўлар эдилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қурғоқчилик йили туғилганлар. Одамлар қурғоқчиликдан қийналиб турган эдилар. Эмизувчи

аёллар ҳам бойроқ оиланинг фарзандларини танлаб, даромад олиш мақсадида эди. Ҳалимаи Саъдия ҳам шу ниятда эди. Отадан етим қолган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни эмизишга қизиқувчи аёллар топилмади. Лекин Аллоҳнинг тақдирини қарангки, Ҳалиманинг хачири оқсоқроқ эди. Шу сабабдан Макка шаҳрига кеч қолиб етиб келди. Бойларнинг болаларини бошқа сут оналар танлаб олган эдилар. Ҳалима ҳам етим болани олишни истамади, лекин бошқа бола топа олмагач, Ҳалиманинг эри Хорис “Шу етим бола орқали Яратган бизни ризқимизни кенг қилар”, – деб айтди. Аллоҳ таоло Ҳалиманинг қалбига етим болага нисбатан меҳр уйғотди. Ҳалима Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни эмизгани олди. Оқсоқ хачир қайтишда далиллашиб, бутун карвонни ортда қолдирди, Ҳалиманинг оиласига барака кирди ва қишлоғи яна майса билан қопланди. Шу тарзда беш йил Ҳалимаи Саъдиянинг қарамоғида бўлдилар.

Ҳалима инсоният тарихидаги охирги замон Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни эмизган аёл, қиёматгача мусулмонлар уни Ҳалимаи Саъдия розияллоҳу анҳо деб улуғ эҳтиром ила ёдга олишади.

Давронбек Норматов,

Ўзбекистон тумани “Оқ тепа” жоме масжиди имом-ноиб